



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Боротов Шарофиддин Жумакул ўғли –
Денов тадбиркорлик ва педагогика
институти Рақамли иқтисодиёт
кафедраси ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a7

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида электрон тижорат тизимлари ривожланишининг долзарб масалалари, шу жумладан, унинг асосий ўйналишлари ва ташкил этувчилари, электрон тижорат экотизими ва платформаларини яратиш масаласи ва электрон тижоратни ривожлантиришдаги муммомлар кўриб чиқилган. Ундан ташқари мамлакатимизда иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун электрон тижорат ва электрон бизнесдан самарали фойдаланишинг эконометрик таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, катта ҳажмли маълумотлар, интернет, рақамли электрон платформалар, рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, киберхавфсизлик.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Боротов Шарошиддин Жумакул угли –
преподаватель, кафедра цифровой экономики,
Институт предпринимательства и педагогики,
г. Денав, Республика Узбекистан

Аннотация. В данной статье рассматриваются актуальные вопросы развития систем электронной коммерции в условиях цифровой экономики в Узбекистане, включая ее основные направления и организаторов, вопрос создания экосистем и платформ электронной коммерции, а также проблемы развития электронной коммерции. Кроме того, представлен эконометрический анализ эффективного использования электронной коммерции и электронного бизнеса для быстрого развития экономики в нашей стране.

Ключевые слова: электронная коммерция, большие данные, Интернет, цифровые электронные платформы, цифровая экономика, оцифровка, кибербезопасность.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF E-COMMERCE IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY

Borotov Sharofiddin Jumakul ugli –
Lecturer, Institute of entrepreneurship and pedagogy,
Denav, Republic Of Uzbekistan

Annotation. This article discusses the current issues of the development of e-commerce systems in the conditions of the digital economy in Uzbekistan, including its main directions and organizers, the issue of creating e-commerce ecosystems and platforms, and the problems of the development of e-commerce. In addition, an econometric analysis of the effective use of e-commerce and e-business for the rapid development of the economy in our country is presented.

Keywords: e-commerce, Big Data, Internet, digital electronic platforms, digital economy, digitization, cyber security.

Кириш. Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самародор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат хам ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам инновацион технологиялар ёрдамида мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлишини таъкидлар экан, рақамли техноло-

гиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириши, ортиқча харажатларни камайтириши, шу билан биргга, коррупция балосини ўқотишида ҳам улар самарали восита эканлигига эътибор қаратди [1]. Рақамли иқтисодиёт ва унинг таркибий кисми бўлган электрон тижорат хўжалик юритишининг илфор бир замонавий шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий фактори сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёни хизмат қиласди.

Олинган натижаларни амалиётда қўллаш эса анъянавий хўжалик юритиш шаклларига нисбатан анча катта самарадорликка эришишга имкон беради. Мисол сифатида турли хилдаги автоматик ишлаб чиқариш жараёнлари, 3D-технологияси, булатли технологиялар, масофавий тиббиёт хизматлари кўрсатиш, ақлли технологиялар ёрдамида маҳсулот етиштириш ва уни етказиб бериш, турли хилдаги товарларни сақлаш ва уларни электрон усулда сотиш жараёнларини келтириш мумкин. Мамлакатимизда бугунги кунда ўнлаб электрон савдо дўконлари ишлаб турибди. Лекин уларнинг аксар қисми пойтахтимизда иш юритади. Айримларининг вилоятларда ҳам тармоқлари бор.

Ҳозирги карантин ҳолатида уларнинг фаолиятига эҳтиёж янада ортган ва унинг товар айланмаси ҳам шунга яраша ошган. Лекин умумий савдо-сотиқдаги ҳиссаси ҳали сезиларли даражада, деб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат соҳасидаги мутахассисларга яхши маълумки, бундай турдаги замонавий иқтисодиёт ривожланишининг асосий ҳал қўйувчи технологииялари: катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш – BIG DATA, блокчейн, криптовалюталар ва ICO (Initial Coin Offering), 3D-технологиялар, сунъий интеллект, нейро, квант технологииялари, буюмлар интернети, робототехника ва сенсорика; булатли, мобил, рақамли электрон платформалар, краудсорсинг ва краудфондинг технологииялари, бизнес-экотизимлар ташкил қилиш технологииялари каби йўналишлар ҳисобланади. Бу технологиияларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этилиши келажакда меҳнат унумдорлигини 40 фоизгача ошириш имконини бериши мумкин [2]. Аммо мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг самарали ривожланиши учун энг муҳим шартларидан бири унга мос кўйувчи институционал муҳитни шакллантириш ҳисобланади.

Худди шунинг учун ҳам илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш давлат дастурида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Хусусан, 2020 йилда салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида халқаро миқёсда тан олинган илгор ИТ-компанияларни жалб қилган ҳолда ахборот технологииялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши соҳасида лабораториялар ташкил этилиши зарур. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий эксперталар иштирокида “ақлли маълумотлар” ҳақидаги фанлар, “катта ҳажмли маълумотлар”, “сунъий интеллект” каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўкув дастурлари қайта кўриб чиқилиши керак.

Ракамлаштирилган ва мобил технологиялар воситасида масофавий таълим бериш ҳамда электрон тижорат дунёда коронавирус инфекцияси авж олган кунларда энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бирига айланди, десак ҳам бўлади. Масалан, мамлакатимизда ҳозирги кунда деярли барча фанлар бўйича масофавий таълим бериш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Кундалик турмушда ойлик маошнинг пластик картага тушиши, электрон тўловлар ёрдамида коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўловларнинг ўтказилиши, картадан-картага пул ўтказмалари, ўй ёки ишхонага таом, озиқ-овқат маҳсулотлари буюртма қилиниши ҳам рақамли иқтисодиётнинг жадаллашувига олиб келмоқда, электрон тижоратнинг ривожланиши кундалик турмуш эҳтиёжларини ҳал этишга қўмакдош бўлмоқда.

Компаниялар электрон тижорат ёрдамида бўлғуси мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиши, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишида айирбошли, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиши, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-куватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириши масалаларини арzon ва қулай амалга ошириши мумкин. Шунинг учун электрон тижорат компаниялар фаолиятининг ажралмас қисмiga айланиб боряпти. Айниқса, ривожланган давлатлар, электрон тижоратнинг имконият ва истиқболларини аниқ ҳис қилган ҳолда, бу соҳага етарлича инвестиция ажратмоқда.

Тараққий этган давлатлар ялпи миллий маҳсулотида электрон тижорат салмоқли ўрин эгаллади. Чунки бу соҳани янги иқтисодий тизим сифатида баҳолай олган давлатлар ушбу соҳада етакчи ўринни эгаллаш мақсадида уни ҳар томонлама ўргана бошлади. Аввало, электрон тижоратни ривожлантиришга халақит берадиган тўсиқларни бартараф этиш механизмларига катта эътибор берган. Масалан, Европа Иттифоқи бу борада ўзининг «Электрон Европа» (e-europe) лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа ЕИнинг келажакда янги иқтисодий тизимдаги ҳолатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди [3].

Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни мамлакат экспорт салоҳиятини оширувчи асосий жараён деб билишади. Шуни инобатга олиб, бу давлатлар ҳукуматлари асосий эътиборларини электрон тижорат тараққиётига турткি бўладиган ахборот-коммуникация технологииялари инфратузилмасини ривожлантиришга қаратмоқда.

Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ахборот ва интернет технологиялари иқти-

содий юксалишнинг муҳим омили сифатида ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадал суръатларда кириб келмоқда. Бу, ўз ўрнида, электрон тижоратнинг ҳам ривож топиб, глобал иқтисодий фаолликнинг асосига айланишига замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Шу боисдан электрон тижоратни ривожлантириш ва иқтисодиётни ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент ва хукумат қарорлари, яратилган технологик асослар туфайли сўнгги йилларда электрон тижорат бозори шаклланиб, унга хизмат қилувчи механизмлар тизимли равиша тақомиллашиб бормоқда [4].

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айни пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чоратадибрлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни жорий этиши уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишларига сабаб бўлмоқда.

Шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга кўмак беради.

Тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рағбатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ойдинлашмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Польшалик олим Zdzisław Kulczyk “Глобализация жараёнида электрон тижоратни ривожлантириш истиқболлари” номли асарида: “Элект-

рон тижорат кенг маънода бизнес муносабатларининг ҳар қандай шакли бўлиб, унда иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар Интернет технологияларидан фойдаланиш орқали содир бўлади” [5], – деб кўрсатган.

Е.О.Вострикова, А.Р.Мешкова ҳаммуаллифлигидаги “Рақамли иқтисодиёт шароитида Россияда электрон тижорат юритишнинг истиқболлари” номли асарида: “Электрон тижорат – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда бизнесни юритиш шакли. Электрон тижорат объектларига нафақат анъанавий хизматлар ва товарлар, балки ахборот турлари ҳам киради. Умуман олганда, Россияда электрон тижоратни ривожлантириш тенденцияларини ижобий деб ҳисоблаш мумкин. Коронавирус пандемияси ҳамма нарсага, шу жумладан, пул сарфлаш ва бозордаги фирмаларнинг ўзаро алоқасига таъсир қилди. Ҳозирги тенденциялар хусусий ва давлат секторларида рақамлаштиришнинг тезлашишини кўрсатади”, – деб келтирилган [6].

С.К.Ешугова, С.К.Хамирзова ҳаммуаллифлигидаги асарида: “Рақамлаштириш шароитида электрон тижоратнинг тез ўсиши кузатилмоқда, шунинг учун бу долзарб масаладир. Бу режалаштирилган фойда олиш учун рақамли технологииларни тақомиллаштириш, Интернет платформаларини ривожлантириш, савдо каналлари ва он-лайн бозорда реклама қилиш учун Интернет-маркетинг воситаларини ўрнатиш зарурлигини англатади”, – деб кўрсатилган [7].

Д.А.Насимовнинг асарида: “Тўртинчи саноат инқилоби автоматлаштириш, компьютерлаштириш ва роботлаштириш билан биргаликда ахборот технологияларини ривожлантиришга асосланган бўлиб, ахборот технологияларининг ривожланиши эса электрон тижоратнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади” [8], – деб таърифланади.

П.З.Хашимов, З.Ф. Фахриддинова илмий ишларида: “Рақамли иқтисодиётга ўтиш, албатта, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, компаниялар рақобатбардошлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, янги иш ўринларининг яратилишига, янги замонавий касбларнинг пайдо бўлишига ва электрон тижоратнинг мамлакатда ривожланишига таъсир этмай қолмайди”, – дея айтиб ўтган [9].

Муаллифлик фикрига кўра, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши тадбиркорлар ўртасида қулагай савдо муҳитини яратиш ва янги электрон савдо платформаларининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда тадбиркорларнинг хавфсиз тарзда тижорат фаолиятини олиб боришлари учун шароит яратиши лозимдир [13].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот ишимиизни ёритишида таққослаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Таҳлиллар давомида мамлакатимизда электрон тижоратнинг жуда орқадалиги, соҳани ривожлантириш мобайнида етарлича инвестиция киритилмаганлиги ва соҳага оид бошқа бир қатор муаммолар аниқланди. Маълумотларда эконометрик таҳлил усулидан фойдаланиб, электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни таҳлил қилинди ва кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланаб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хуносаларга келинди. Тадқиқот обьекти сифатида электрон тижорат интернет саҳифалари ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда дунё тажрибасида кенг қўлланилган қўйидаги тамойилларга амал қўлмоқда [5]:

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол рол ўйнаши лозим;
- электрон тижоратга нисбатан давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўймаслик лозим;
- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида аралашиши мумкин;
- электрон тижоратни бошқариш чоратадбирларини ишлаб чиқишида давлат ҳокимияти интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;
- электрон тижорат жараёни маъмурий-худудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда глобал кўламда содир бўлиши мумкин.

Интернетнинг жадал ривожланиши ва абонентлари сонининг ўсиши анъанавий бозорларни он-лайн тижорат ёки электрон тижорат деб аталадиган ноанъанавий бозорга ўзгартиromoқда. Ҳозирда истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун барча сегментдаги маҳсулот ва хизматларни қамраб оладиган жаҳон электрон тижорат бозорларида арzon ва қулай усулда сотиб олиш ва сотиш имконияти пайдо бўлди.

Statista GmbH компаниясининг интернетдаги нашрига кўра, электрон чакана савдо ҳажми 2017 йилдаги 2,3 триллион АҚШ долларидан 2021 йилда 4,48 триллион АҚШ долларига кўтарилиган [10].

2021 йилда Business.com Media, Inc. компанияси эса дунёнинг 10 та энг йирик электрон тижорат бозорларини аниқлади ва уларнинг йиллик он-лайн савдо ҳажми қўйидаги рақам-

ларни ташкил этди: Хитой – 672 миллиард, АҚШ – 340 миллиард, Буюк Британия – 99 миллиард, Япония – 79 миллиард, Германия – 73 миллиард, Франция – 43 миллиард, Жанубий Корея – 37 миллиард, Канада – 30 миллиард, Россия – 20 миллиард, Бразилия – 19 миллиард АҚШ доллари.

The 2022 Global Retail E-Commerce Index маълумотига кўра, 2022 йили АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Япония, Германия жаҳон рейтингида кучли бешлиқдан жой олган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами интернетдан фойдаланувчилар ва мобил алоқа абонентлари сони қўплиги мамлакатимизда электрон тижоратни фаол ривожлантириш учун катта туртки бўлади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши, электрон тижоратни янада ривожлантириш, рақобатга бўлган муҳитни кенгайтириш ҳамда электрон тижорат соҳасида янги инфратузилма пайдо бўлишининг асосий йўналишларини белгилайди.

Электрон тижоратнинг ривожланишига халақит берадиган муҳим омиллардан бири электрон тижоратнинг барча соҳаларида ахборот, реклама, маркетинг ва таҳлилий, савдо, шунингдек, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва ахборотни ҳимоя қилиш хизматларини тақдим этадиган ягона ишончли ахборот ресурсининг ўқлигидир. Электрон тижоратни ривожлантиришда энг муҳим тўсиқ виртуал муҳитда безовталиқ билан, ўғирлик ва фирибгарлик таҳдидини келтириб чиқарадиган тармоқдаги хавфсизликнинг паст даражаси, электрон тижорат хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида ишончсизлик. Сўнгги пайтларда мутахассисларнинг диққат-эътиборлари электрон бизнеснинг турили хил қуий тизимларини ўрганишга қаратилмоқда. Бироқ маҳаллий ва хорижий адабиётларда электрон тижоратнинг ривожланиш даражасини ўлчашнинг ягона методологияси мавжуд эмас.

Электрон тижорат ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш муаммолари электрон тижоратнинг эришилган ривожланиш даражасини ўлчаш усулларини танлаш билан боғлиқ; виртуал савдонинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар; кўрсаткич карталари тизимлари; уларни миқдорий ифодалаш ва ўзаро мувофиқлаштириш усуллари; баҳолаш мезонларини аниқлаш [11].

Тадқиқотда электрон тижоратни ривожлантириш кўрсаткичлари рўйхати аниқланди. Эконометрик тенгламалар ёрдамида электрон тижоратнинг ривожланиш динамикасини башборат қилиш усулларидан бири ишлаб чиқилган. Эконометрик тенгламалар ўзаро боғлиқ тенгламалар тизимига бирлаштирилган. Ўзаро боғлиқ

тенгламалар тизими регрессия тенгламаларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида аргументлар нафақат изоҳловчи (мустақил ёки экзоген) ўзгарувчилар, балки бошқа тенгламалардан тушунарли (қарам ёки эндоген) ўзгарувчилардан иборат. Шундай қилиб, тизимда бир хил ўзгарувчилар бир вақтнинг ўзида баъзи тенгламаларга боғлиқ, бошқаларида мустақил бўлган, деб ҳисобланади.

Электрон тижоратни ривожлантиришин ўрганиш натижасида алоқа соҳасининг манбалари қуйидагилардан иборатлиги аниқланди[11]:

- Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ҳалқаро ахборот тармоқларига уланиш тезлиги;
- операторлар ва провайдерлар сони;
- доменлар сони электрон тижоратнинг техник ва технологик таркибий қисмидир.

Электрон тижоратни ривожлантиришиннинг иқтисодий таркибий қисмлари аниқланди:

- алоқа хизматларидан аҳоли даромадлари;
- АКТ соҳасига инвестициялар ҳажми;
- тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкалар сони;
- пластик карталар билан тўловларни қабул қилиш учун терминаллар сони.

Электрон транзакциялар хавфсизлиги .uz домени зонасида мавжуд бўлган таҳдидлар сони билан аниқланди. Ялпи ички маҳсулотда савдо улуши электрон тижорат ривожланишининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига таъсирини белгиловчи кўрсаткич сифатида қабул қилинди. Шундай қилиб, республикада электрон тижорат ривожланишининг миқдорий ҳусусиятлари бўлган асосий кўрсаткичлар аниқланди. Умуман олганда, кўрсаткичлар ижобий тенденция – ўсиш ва электрон тижоратнинг жадал ривожланишига замин яратмоқда. Шу билан бирга, .uz домен зонасида фаол таҳдидлар қўриб чиқиляётган даврда 2,5 бараварга кўпайди. Бу шуни кўрсатадики, электрон тижоратнинг ўсиши билан бир қаторда, виртуал мұхитда таҳдидлар даражаси ортиб бормоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси ва динамикасини белгиловчи омиллар аниқланди: тармоқнинг техник жиҳозланиши даражаси, АКТ соҳасига киритилган сармоялар, Интернетдан фойдаланувчилар сони, шунингдек, .uz домен зонасидаги фаол таҳдидлар сони. Чизиқли регрессия моделлари (тенгламалар) кўрилган.

Аслида, ҳар бир тенглама боғлиқликнинг чизиқли-логаритмик шаклини англатади. Чизиқли логаритмик функциялар моделнинг эндоген ўзгарувчисига экзоген ўзгарувчининг таъсир даражасини баҳолаш учун ишлатилади.

Логарифм коэффициенти эгилувчанлик коэффициентидир. Уларнинг логарифмлари кетма-кетлиги маълумотлар сериясидан ҳисоблаб чиқилган ва улар учун чизиқли регрессия тенгламалари ҳисобланган. Ўзаро боғлиқ тенгламалар тизими қуйида келтирилган [12].

$$\begin{aligned} 1. \text{LTGDP} &= 4.68 + 0.94 * \text{LNEC} \\ 2. \text{LNEC} &= -4.8 + 0.1 * \text{LNIU} + 0.07 * \text{LAS} + 0.033 * \text{LNDOM} + 0.055 * \text{LINV} - 1.3112 * \text{LNAT} \\ 3. \text{LNIU} &= 4.34 + 0.91 * \text{LAS} + 0.46 * \text{LOPER} \\ 4. \text{LAS} &= -4.044 + 1.45 * \text{LOPER} + 0.157 * \text{LNDOM} \\ 5. \text{LNDOM} &= 4.89 + 0.19 * \text{LINV} + 0.072 * \text{LNAT} + 1.072 * \text{LKOL} \\ 6. \text{LINV} &= -18.71 + 2.37 * \text{LDOH} + 1.29 * \text{LNAT} \\ 7. \text{LKOL} &= -11.11 - 2.74 * \text{LNAT} + 0.21 * \text{LNDOM} \\ 8. \text{LDOH} &= 4.81 + 0.505 * \text{LNEC} - 1.44 * \text{LNAT} \\ 9. \text{LOPER} &= -5.945 + 0.154 * \text{LINV} + 2.29 * \text{LNAT} \end{aligned}$$

Бу ерда: LGDP – ялпи ички маҳсулотдаги савдо айланмаси, LNEC – электрон тижорат ҳажми, LNIU – Интернетдан фойдаланувчиларнинг таҳминий сони, LKOL – ҳар 1000 кишига тўғри келадиган Интернетдан фойдаланувчилар сони, LAS – ҳалқаро ахборот тармоқларига кириш тезлиги, LNDOM – .uz зонасидаги доменлар сони, LINV – АКТ соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми, LNAT – .uz домен зонасидаги фаол таҳдидлар сони; LDOH – алоқа хизматларидан олинадиган даромад. Биринчи тенглама ЯИМдаги савдо улушининг 0,94 фоиз даражага кўпайиши электрон тижоратнинг 1 фоизга ўсиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу электрон тижорат ривожланишининг мамлакат ЯИМига қўшаётган улкан ҳиссасидир.

Иккинчи тенглама электрон тижоратнинг ривожланишидаги асосий омилларни тавсифлайди. Улар орасида: Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг таҳминий сони, ҳалқаро тармоқларга уланиш тезлиги, .uz зонасидаги доменлар сони, АКТ соҳасига инвестициялар ва .uz домен зонасидаги фаол таҳдидлар сонида ифодаланган хавфсизликлар сони. Барча омиллар орасида хавфсизлик электрон тижорат ҳажмига энг юқори таъсир коэффициентига эга, яъни фаол таҳдидлар сонининг 1 фоизга кўпайиши электрон тижорат ҳажмининг 1,3112 фоизга пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, тармоқдаги транзакциялар хавфсизлиги электрон тижоратни ривожлантиришга таъсир қилувчи энг муҳим омил эканлигини кўрсатиш мумкин. Қуйида омилларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқлайдиган ўзаро боғлиқ тенгламалар тизими мавжуд. Электрон тижорат ҳажмининг Интернетдан фойдаланувчилар сонига, шунингдек, .uz домени зонасидаги фаол таҳдидлар сонига боғлиқлиги қуйидаги тенглама кўринишида келтирилган:

$$\begin{aligned} \text{LNEC} &= -4.8 + 0.1 * \text{LNIU} + 0.07 * \text{LAS} + 0.033 * \text{LNDOM} + 0.055 * \text{LINV} - 1.3112 * \text{LNAT} \end{aligned}$$

Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 1 фоизга ўсиши билан электрон тижорат ҳажми 0,1 фоиз даражага ошади. Халқаро каналларга кириш тезлиги 1 фоизга ошиши билан электрон тижорат ҳажми 0,07 фоиз пунктига ошади. АКТ соҳалари ва доменлари сонининг 1 фоизга ўсиши билан электрон тижорат ҳажми мос равиша 0,033 ва 0,055 фоиз пунктига ошади. Шу билан бирга, фаол таҳдидларнинг 1 фоизга ўсиши билан электрон тижорат ҳажми 1,3 фоизга камаяди. 4,8 коэффициенти салбий омиллар ҳисобга олинмаганигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жадаллаштириш электрон тижоратнинг ривожланишида энг катта асосдир, бунинг учун эса қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– АКТнинг ривожланиши ва унинг ЯИМдаги ҳиссасининг ошиши унга мувофиқ келадиган рақамли инфратузилманинг ривожланиш дараҷаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Рақамли инфратузилманинг ривожланиши дараҷасини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири бўлган

Интернет тезлиги, унга кириш қулайлиги ва албатта, унинг баҳосини арzonлаштириш лозим;

– АКТ тармоқларига инвестиция оқимини кучайтириш лозим. Бу нафақат инновацион ривожланишни рағбатлантириш орқали мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ривожланишига олиб келади, балки меҳнат унумдорлигини оширади, харажатларни камайтиради, янги фаолият турларининг пайдо бўлишига олиб келади, шу билан бирга, аҳоли яшаш сифатини оширади;

– рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратишида давлатнинг ўрни ва роли ошиб бориши лозим;

– электрон тижоратни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бу тизим пандемия шароитида ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Аммо ҳали электрон тижорат субъектлари миллий реестрида рўйхатдан ўтган субъектлар сони жуда ҳам кам, демак, бу соҳани ҳам очиқлаш сиёсатини чуқурлаштириш керак бўлади;

– рақамли технологияларга асосланган “E-commerce” дастурини такомиллаштириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2023 йил, 14-сон.
2. Болтабеева Г.Р. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратни ривожлантиришининг институционал мұхитини шакллантириши. – Т. – 158 б.
3. https://www.eeas.europa.eu/eeas/eastern-europe_en
4. <http://www.adolatgzt.uz/tribune/3965>
5. Zdzisław Kulczyk "Factors of Development of International e-Commerce in the Context of Globalization" <https://ceur-ws.org/Vol-2422/paper28.pdf>
6. Vostrikova E.O., Meshkova A.P. "Prospects for the development of electronic commerce in Russia in the conditions of digital economy" [New Technologies 10.47370/2072-0920-2021-17-3-86-94](https://doi.org/10.47370/2072-0920-2021-17-3-86-94) 2021. Vol 17 (3).
7. Yeshugova S.K., Khamirzova S.K. Development of e-commerce in the context of digitalization. New Technologies. 2021; 17(3):95-104. (In Russ.) <https://doi.org/10.47370/2072-0920-2021-17-3-95-104>
8. Насимов Д.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириши шароитида иш билан бандликнинг замонавий шакллари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" иммий-электрон журнали. 2020 йил, июл-август, 4-сон.
9. Ҳашимов П.З., Фахриддинова З.Ф. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириши истиқболлари. // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2020. № 3 (135). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-ra-amli-i-tisodiyotni-rivozhlanlirish-isti-bollari> (дата обращения: 22.01.2023).
10. <https://www.xabar.uz/texnologiya/ekspert-ananaviy-bozor-elektron>
11. Электронная коммерция. Учебное пособие. // Кобелев О.А.; Под ред. Пирогов С.В. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2017. – 684 с. 60x84 1/16 ISBN 978-5-394-01738-4 - Режим доступа: <http://znanium.com/catalog/product/340852>
12. Исохужаева М. Электрон тижоратда долзарб хавфсизлик масалалари. // "Иқтисодиёт ва таълим" журнали. 2020, 1(3), 165-168. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4422



ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАҲОНДА САНОАТ 4.0 ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛANIШИННИГ ЎРНИ

Уктамов Ҳусниддин Фахриддинович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодий хавфсизликни таъминлашда жаҳонда саноат 4.0 индустряси ривожланишининг ўрни ёртиб берилган. Шунингдек, тўртинчи саноат инқиlobи ишлаб чиқарши корхоналари учун технологик, ташкилий ва бошқарув нуқтаси назаридан долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу мақола юқори даражали бошқарувчиларнинг Саноат 4.0 концепциясини, янги технологияларни жорий этиши учун ҳаракатлантирувчи кучларни ва саноат 4.0 нинг асосий тўсикларини бартараф этишга қаратилган иммий назарий ва услубий маълумотлар ёритилган. Бундан ташқари иқтисодий хавфсизликни таъминлашда жаҳонда саноат 4.0 индустряси ривожланишининг ўрнини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар ёртиб берилган.

Калим сўзлар: саноат 4.0, рақамлаштириш, рақамли стратегия, сунъий интеллектсаноат 4.0 индустряси, иқтисодий хавфсизлик, Саноат 4.0 концепцияси.